25«10»2022 yil. 249-2-32-MT/2022-son

# П У Д Р А Т  Ш А Р Т Н О М А С И № 170

**« 18 » октябр 2022 йил** **Бухоро туман**

**"Nafis mega komplekt" МЧЖ** (кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади) номидан ўзининг устави (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи рахбари Жураев Н (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, бир томондан ва Бухоро туман МТБ (корхона, ташкилот, муассаса номи), (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи рахбари **Н.Ж.Содиков** (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича "Пудратчи" «Буюртмачи»нинг буюртмасига ва тузилган смета лойиха хужжатлари хамда электрон ахбарот порталида эълон тарзида куйилган Бухоро туман мактабгача таълим булимига карашли 25 –давлат мактабгача таълим муассасасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул килиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

Ушбу шартноманинг умумий суммаси тузилган смета лойиха хужжатларидан келиб чикиб 98000000 (туксон саккиз миллион) сўмни ташкил этади.

## 2.ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

2.1.»Буюртмачи» томонидан тақдим» қилинган хужжатларга асосан жорий таъмирлаш ишларининг киймати 98000000 (туксон саккиз миллион) **сўмни ташкил қилади.**

2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши **«18 октябр 2022 йил.**

2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти **« 30 »ноябр 2022 йилгача.**

## 3.ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ , БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2.«Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган таъмирлаш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.3. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.4. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сунг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади

## 4.ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

4.1.Ушбу шартноманинг умумий нархи 98000000 (туксон саккиз миллион) сўмни ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 30 % ёки 29400000 сўм микдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг октябр ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдикловчи хужжат тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 68600000 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 % фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов 2022 йилнинг 31 декабргача амалга оширилади.

4.2.«Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3.«Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошикча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

## 5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Шартнома баҳоси 98000000 (туксон саккиз миллион) сўмни бўлган таъмирлаш ишлари юкорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

5.2. Махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб килади.

5.3. Ҳар ҳафтанинг душанба кунида капитал ҳафтада бажарилган таъмирлаш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли хужжатларни «Буюртмачи»га тақдим килиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда

буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди: - таъмирлаш муддати 10 кунга кечиктирилса, шартнома баҳосидан 0,5 % миқдорида;

-кейинги 20 кун учун шартнома баҳосидан 5 % миқдорида;

-ундан кейинги муддатлар учун 20 % миқдорида;

Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофик бажарилган ишлар тугрисида 2-сонли далолатномани тузади..

## 6. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Шартномада курсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» махсус ҳисоб-рақамидан хар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нархини 0,04% микдорида «Пудратчига» жарима тўлайди.

6.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

6.3. "Буюртмачи" тасдиқланган сметасига мувофик бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофик 2-сонли далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади

## 7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Пудратчи томонидан ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда пудратчи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

7.2 Агар Пудратчи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни, хизматларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати лозим даражада бўлмаган ишлар ва хизматлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ва хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар, хизматлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан пудратчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

7.3. Кўрсатилган ишлар, хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

## 8 .ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

8.1.Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан ҳудудий иқтисодий судларида ҳал этилади.

## 8.ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1 Мазкур шартнома **2022 йил « 18 »октябрдан 2022 йил « 31 » декабрьгача** амалда бўлади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб хисобланади ва томонларнинг хар бири учун бир нусхадан берилади.

## 9. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

10.1. 2014 йил 1 январдаги бюджет кодексининг 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ» «БУЮРТМАЧИ»

| Буюртмачи: | Пудратчи: |
|---|---|
| "Nafis mega komplekt" МЧЖ | Бухоро туман МТБ |
| Манзил Бухоро вилояти | Буоро туман Гала осиё шахри Гулобод к |
| Банк: | Банк: Марказий банк Тошкент ш б б |
| Х/Р 20208000005121599001 | Х/Р: 100022860062077091100251028 |
| МФО ИНН 306698701. | МФО: 00014 ИНН: 305168554 |
| Раҳбар: Жураев Н | Раҳбар: И.Хайдаров |
| М.У. (имзо) | М.У. (имзо) |

| | Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang. | |
|---|---|---|
| | Imzolovchi F.I.SH. | ILXOM HAYDAROV ISTAMOVICH |
| | Imzolangan sana | 25.10.2022 12:21 |
| | Hujjat kodi | **WE2384033475** |
| | Hulosa kodi | **NJ1581766041** |

Korrupsiyaga qarshi qoidalarining ASOSIY SHARTLARI

1. Tomonlar shartnoma bo'yicha o'z majburiyatlarini bajarayotganda O'zbekiston Respublikasining korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonun hujjatlarining talablariga zid keladigan har qanday harakatlarni amalga oshirmaydilar, shu jumladan pora, ya'ni (davlat organi yoki tashkilotning nomi) xodimi o'z xizmat majburiyatlaridan foydalangan holda pora bergan shaxsning manfaatlarini ko'zlab muayyan harakatlarni sodir etishi yoki sodir etmasligi shartligi yohud mumkinligi uchun moddiy qimmatliklarni yoki mulkiy naf olish uchun quyidagi harakatlarni qilmaydi: pora berishnı taklif qilish yoki va'da berish; tovlamachilik qilish; pora sifatida pul to'lash; bevosita yoki bilvosita pora olishga rozilik berish. Tomonlar ushbu harakatlarga yo'l qo'ymaslik bo'yicha choralar ko'rilishiga kafolat beradi.
2. Agar shartnoma bo'yicha bir Tomon (davlat organi yoki takshlotining nomi) xodimining axloqqa to'g'ri kelmaydigan va ushbu shartnoma yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga zid keladigan xatti-harakatlariga, shu jumladan, korrupsiyaga oid huquqbuzarlik sodir etishga majburlashdan iborat bo'lgan faktlarga duch kelsa, bu haqda quyidagi aloqa kanallaridan biri orqali xabardor qilishi kerak: korrupsiya haqida xabar berishga mo'ljallangan ishonch telefoni; Telegram-kanali ("@xxxxxxxxxx"); (davlat organi yoki takshlotining nomi) rasmiy veb-saytida joylashtirilgan shakl yoki elektron pochta.

TOMONLAR:

**«СОТУВЧИ»** **«СОТИБ ОЛУВЧи»**

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

NJ1581766041

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Nafis mega kompleks MChJ va Buxoro tuman maktabgacha ta'lim bo'limi o'rtasida tuzilgan 25 dmtt joriy tamirlash uchun 170-sonli shartnoma
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Buxoro tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 21.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Buxoro tuman yuridik markaz bosh yuristkonsulti:**

**I.B.SAIDOV**

24.10.2022